

“Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти ходимларининг коррупциявий хатти-ҳаракатлари ва одоб-аҳлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текшируви ўтказиш бўйича
РЕГЛАМЕНТ

I. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур Регламент “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – **Банк**) ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилиги ёки коррупцияга қарши курашишга оид ички идоравий хужжатлари талабларини бузилишига нисбатан хизмат текширувини (кейинги ўринларда – **Хизмат текшируви**) ўтказишни белгиловчи ички идоравий хужжат хисобланади.

1.2. Мазкур Регламент қуйидаги мақсадларда ишлаб чиқилган:

Банқда ходимлар томонидан коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилик ёхуд ушбу йўналишга оид Банк ички идоравий хужжатлари талабларини бузиш ҳолатлари бўйича Хизмат текшируви ўтказишга ягона ёндашувни белгилаш;

Хизмат текшируви ўтказиш жараёни ва натижаларини хужжатлаштириш талабларини белгилаш;

Банқда қоидабузарликлар содир этиш, унга зиён етказишга олиб келадиган сабаб ва шартларни аниқлаш ва бартараф қилиш;

Банқда кабул қилинган ички идоравий хужжатлар ва назорат тамойилларидағи камчиликларни аниқлаш ва келгусидаги қоидабузарликларга йўл қўймаслик мақсадида уларни бартараф қилиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш;

Банк ва унинг ходимларининг қўлланилаётган қонунчилик талабларини бузганлик учун жавобгарликка тортилиши хавфини камайтириш.

1.3. Хизмат текшируvida иштирок этаётган Банк ходимларига ушбу Регламент билан ўрнатилган талабларга риоя қилиниши учун шахсий жавобгарлик юклатилади.

1.4. Банқдаги Хизмат текшируви қуйидаги тамойиллар асосида ўтказилади:

- қонунийлик;
- Банк ходимлари хуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя қилиш;
- фуқаролар хуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш;
- Хизмат текшируви ўтказишда олинган ахборот ва материалларнинг конфиденциаллигини таъминлаш;

- Банк ходимлари томонидан Хизмат текшируви ўтказишдаги шаффоффлик, ҳалоллик, коллегиаллик, бетарафлик ва ҳолислик;
- шахсига нисбатан Хизмат текшируви олиб борилаётган Банк ходимининг айбиззлик презумпцияси.

II. Хизмат текширувани тайинлаш

2.1. Хизмат текшируви Банк ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилиги ёки коррупцияга қарши курашишга оид ички идоравий ҳужжатларининг талабларини бузилганлиги тўғрисидаги асосли маълумотлар мавжуд бўлганда тайинланади.

2.2. Бундай маълумотлар қўйидаги манбалардан келиши мумкин:

- Банк ходимларининг ёзма ёки оғзаки шаклдаги бевосита раҳбари ёки Банкнинг коррупция билан курашиш йўналишида ваколатли орган этиб белгиланган Ахборот ва банк хавфсизлиги департаменти Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш Бошкармаси (кейинги ўринларда – **Ваколатли орган**)га берган маълумоти;

- жисмоний ва юридик шахсларнинг Банкнинг алоқа каналларига юборган хабарлари;

- жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари;

- оммавий ахборот воситаларидағи, шунингдек ижтимоий тармоклардаги маълумотлар;

- ўтказилган сўровнома, шу жумладан ижтимоий ва статистик тадқиқотлар натижалари бўйича олинган маълумотлар;

- Ички назорат департаменти, Ички аудит департаменти, Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи департаментининг тегишли хизмат ва бўлинмалари (кейинги ўринларда – ички аудит ва молиявий назорат бўлинмалари), шунингдек давлат молиявий назорат органлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг хулосалари;

- Ваколатли орган томонидан коррупцияга қарши ички талаблар мониторинги ва уларга риоя қилиш устидан назорат натижалари;

- Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ва давлат хокимиятининг бошқа органларининг топшириклари;

- бошқа каналлар орқали келиб тушган коррупциявий характердаги хабарлар.

2.3. Куйидагилар Хизмат текшируви ташаббускорлари бўла олади:

- Банк раҳбари ва унинг ўринбосарлари;

- Банкнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмалар (филиаллар) раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари;

- Банкнинг Коррупцияни олдини олиш бўйича комиссияси (кейинги ўринларда – **Комиссия**);

- Ваколатли орган ёки филиалларнинг Хавфсизлик, режим ва ахборотни ҳимоялаш бўлимлари Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўйича Бош мутахассиси (кейинги ўринларда – **Бош мутахассис**);

- Банкнинг ички аудит ва молиявий назоратга жавобгар таркибий бўлинмалари раҳбарлари;

- Банкнинг юридик хизмат департаменти раҳбари;

- Банкнинг Ходимлар билан ишлаш департаменти раҳбари (филиалларнинг кадрлар билан ишловчи ходимлари).

2.4. Коррупциявий хатти-харакатлар тўғрисида мазкур Регламентнинг 2.2. бандида кўрсатилган манбалардан келиб тушган ҳар қандай маълумотга нисбатан Ваколатли орган ёки Бош мутахассис Хизмат текшируви ўтказиш учун етарли асос ва маълумотлар мавжудлиги, шунингдек келиб тушган маълумотнинг Банк ходимларига

алоқаси бор-йўқлигини аниқлаш нуктаи назаридан *дастлабки текширув ва таҳлил қилишини* амалга оширади.

2.5. Бунда устидан Хизмат текшируви ўтказилиши мумкин бўлган ёки манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлган ходимларни дастлабки текширув жараёнига жалб қилиш тақиқланади.

2.6. Дастлабки текширув тегишли маълумот келиб тушган кундан бошлаб 10 (үн) кундан ортиқ бўлмаган муддатда ўтказилади.

2.7. Дастлабки текширув Хизмат текшируви хисобланмайди.

2.8. Агар дастлабки текширув натижалари бўйича Банкга алоқадор бўлган коидабузарлик содир этилгани, содир этилиши мумкин бўлгани ёки содир этилаётганини тахмин қилишга асос борлиги аниқланса, у ҳолда Ваколатли орган (Бош мутахассис) раҳбари Банк Комиссияси (*филиалдаги коррупцияга қарши курашии Ишчи гурӯҳи*) раҳбарининг номига ёзма хизмат хабарини жўнатади.

2.9. Агар Хизмат текшируви Банкнинг филиал раҳбари ёки унинг ўринbosарларига нисбатан тайинланган бўлса, хизмат хабари Ваколатли орган раҳбарининг номига ёзилади.

2.10. Комиссия ёки филиал Ишчи гурӯҳи раҳбари хизмат хабари олинган кундан бошлаб 3 (уч) иш кунида Хизмат текшируви ўтказиш ёки ўтказмаслик тўғрисида қарор (буйруқ) қабул қиласи мумкин.

2.11. Комиссия ёки филиал Ишчи гурӯҳи раҳбари хизмат хабарига асосан тегишли материалларни Ўзбекистон Республикаси хуқуқни муҳофаза қилиш органларига Хизмат текшируви ўтказмасдан тақдим этиш тўғрисида қарор қабул қиласи мумкин.

2.12. Хизмат текшируви ўтказиш тўғрисида қарор қабул қиласи билан бир вактда Комиссия ёки филиал Ишчи гурӯҳи раҳбари Хизмат текшируви ўтказиш бўйича ишчи гурӯх раҳбарини тайинлайди ва унга ишчи гурӯх таркибини шакллантиришни ва хизмат текширувни ўтказиш тўғрисида буйруқ тайёрлаш вазифасини топширади.

2.13. Хизмат текшируви ўтказиш тўғрисидаги буйруқда куйидагилар кўрсатилади:

- Хизмат текшируви предмети (мавзуси);
- Хизмат текшируви ўтказилишига асос бўлган сабаб ёки вазият;
- Хизмат текшируви ўтказишга сабаб бўлган коидабузарликни содир этишда гумонланаётган ходим (лар), у (лар)нинг ФИШ ва лавозими (филиал, департамент, бошқарма, бўлим номи) маълум бўлса;
- Хизмат текширувни ўтказиш учун маъсул бўлган ишчи гурӯх таркиби;
- Ишчи гурӯх аъзолари ва раҳбарининг хуқуқ ва мажбуриятлари;
- Хизмат текширувни ўтказиш ва натижаларни тақдим этиш муддати.

2.14. Хизмат текшируви ўтказиш тўғрисидаги буйруқ лойиҳаси Банк ёки филиал раҳбарига имзолаш учун Хизмат текшируви ўтказиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадан бошлаб 3 кун ичida тақдим этилиши керак.

III. Хизмат текшируви ўтказиш бўйича ишчи гурӯх тузиш

3.1. Хизмат текширувни ўтказиш бўйича ишчи гурӯх таркиби, Ишчи гурӯх раҳбари тақлифига асосан тузилади, қоида тариқасида унга ички назорат тузилмалари, кадрлар билан ишловчи бўлинмалар, юридик хизмат, ички аудит ва молиявий назорат бўлинмалари ҳамда лавозим мажбурияти Хизмат текшируви предмети бўлган ёки шунга яқин бўлган бошқа бўлинмалар ходимлари киритилиши мумкин.

3.2. Филиаллар томонидан ташкил этилган ишчи гурӯх таркибига Банк Бош оғиси ходимлари киритилиши мумкин.

3.3. Куйидаги ходимлар ишчи гурӯх таркибига киритилмайди:

- Хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг яқин қариндошлари;

- Хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг бевосита бўйсинувидаги ходим;
- Хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг бевосита раҳбари (Банк, филиал раҳбари бундан мустасно);
- Хизмат текшируви ўтказилаётган йўналишни бошқараётган Банк, филиал раҳбарининг ўринбосарлари;
- текширув якунидан бевосита ёки билвосита манфаатдор эканлиги ҳақида гумон (масалан бирга таълим олган, бир худуддан бўлган, ишқий муносабатларда, хизмат текшируви ўтказилаётган ходим билан ошкора зиддиятга эга ва х.к.) бўлган бошқа ходимлар.

3.4. Ишчи гурухни шакллантириш учун маъсулият ишчи гурух раҳбари зиммасида бўлади. У мазкур Регламентнинг 3.3. бандида кўрсатилган потенциал манфаатлар тўқнашуви ҳолати мавжудлиги бўйича гурух аъзоларини текшириши шарт.

IV. Хизмат текширувини ўтказиш

4.1. Хизмат текшируви тегишли буйруқ имзоланган санадан бошлаб 30 (ўттиз) кундан ортиқ бўлмаган муддатда ўтказилиши керак.

4.2. Агар Хизмат текшируви жараёнида 4.1 бандда кўрсатилган муддатларнинг узайишига олиб келадиган қўшимча тартиб-тамойиллар (шу жумладан, ходимлар ва бошқа шахслар орасида қўшимча сўровнома ўтказилиши, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилса, у ҳолда ишчи гурух раҳбари бу ҳақда маълум бўлиши билан мажбурий тартибда, Хизмат текшируви тўғрисидаги буйруқни имзолаган раҳбарни хабардор килади. Бундай ҳолатларда, Хизмат текширувини ўтказиш муддатлари 30 (ўттиз) календарь кунидан ортиқ бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

4.3. Устидан Хизмат текшируви ўтказилаётган ходим йўқ бўлган ҳолда (таътил, касаллик, хизмат сафари ва бошқалар), у вақтинча тўхтатилади, унинг муддати эса автоматик тарзда ушбу ходим йўқ бўлган даврга узайтирилади.

Агар ходим 30 (ўттиз) календарь кунидан ортиқ муддатга йўқ бўлган ёки Хизмат текшируvida иштирок этишдан бошқа усул билан бош тортган ҳолда, Хизмат текшируви Комиссия ёки филиал Ишчи гурухи раҳбари билан келишган ҳолда ходимнинг иштирокисиз ўтказилиши мумкин ва ушбу ҳолат Хизмат текшируви натижаларида қайд этилади.

4.4. Устидан Хизмат текшируви ўтказилаётган ходимга, ишчи гурух раҳбарининг тавсиясига асосан Банк, филиал раҳбари буйруғи билан маълум бир ахборот тизимлари, муайян ҳужжатлардан фойдаланишга чеклов қўйилиши мумкин. Ушбу ҳолатда қабул қилинган буйруқ ҳақида, устидан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим, ўша куниёқ буйруққа имзо чектирилган ҳолда таниширилади. Буйруқ билан танишиш рад этилган ҳолда, бу ҳақида ишчи гурух раҳбари томонидан далолатнома тузилади.

4.5. Ходимга нисбатан маълум бир ахборот тизимлари, муайян ҳужжатлардан фойдаланишга чеклов қўйишга оид буйруқ Хизмат текшируви ўтказишнинг муддатидан ортиқ бўлмаслиги керак.

V. Хизмат текширувини ўтказиш давомида ўрганиладиган маълумотлар

5.1. Хизмат текширувини ўтказиш давомида ишчи гурух қоидабузарликка алокадор бўлган маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва ҳужжатлаштириш ишларини амалга оширади, шу жумладан:

- қоидабузарлик, уни содир этиш сабаблари нимада акс этади;
- қоидалари бузилган Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Банкнинг ички идоравий ҳужжатлари талаблари;

- қоидабузарликни содир этиш вақти, жойи, усули;
- қоидабузарликни содир этишга жалб қилинган шахслар доиласи (Банк ходимлари билан бир қаторда учинчи шахслар ҳам);
- қоидабузарликнинг оғирлик даражаси;
- Банкга етказилган моддий ва номоддий, обрў-эътибор характеристидаги заарнинг кўриниши ва кўлами;
- қоидабузарликни содир этишга алоқадор бўлиши мумкин бўлган бошқа маълумотлар.

5.2. Хизмат текширувани ўтказиш давомида олинадиган маълумотлар манбаси қуидагилар бўлиши мумкин:

- устидан Хизмат текшируви ўтказилаётган ходим, Банкнинг бошқа ходимлари, учинчи шахсларнинг ёзма ёки оғзаки тушунтиришлари;
- тасдиқловчи хужжатлар (ёзма ва электрон шаклда);
- интернет тармоғининг оммавий тизимида жойланган ахборот манбаларининг маълумотлари;
- аудиоёзувлар, фото- ва видеосъемкалар;
- архив маълумотлар ҳамда ўчирилган ва қайта тикланган маълумотлар;
- қоидабузарликка алоқадор бўлган бошқа материаллар.

5.3. Юкорида санаб ўтилган барча, шу жумладан конфиденциал маълумотлар, ишчи гурух томонидан Банкда қабул қилинган барча тамойилларни қўллаган ҳолда, шунингдек Банкнинг ички идоравий хужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ олиниши ва фойдаланилиши керак.

5.4. Банк ходимлари ёки жалб этилган бошқа шахслар билан ўтказилган сухбат жараёни аудио ёки видеода қайд қилиниши, сухбат тўғрисида баённома тузилиши керак (аудио ёки видео қайд Хизмат текшируви материалларига қўшиб қўйилади).

Аудио ва видео қайдни амалга оширишдан олдин сухбат ўтказилаётган шахснинг розилиги олиниади. Розилик берилмаса аудио ва видео қайдни амалга оширувчи ускуналардан фойдланишга йўл қўйилмайди.

5.5. Устидан хизмат текшируви ўтказилаётган ёки бошқа ходимнинг сухбат ёки тушунтириш беришдан бош тортилган ҳолларда ушбу Регламентнинг 1-иловасига мос шаклда далолатнома расмийлаштирилади.

5.6. Ишчи гурух раҳбари мазкур ходимни далолатнома билан танишганлигини тасдиқлаш учун унга имзо қўйиши зарурлиги тўғрисида хабардор қиласи. Агар ходим хужжатга имзо қўйишдан бош тортса, у ҳолда ишчи гурух раҳбари хужжатга тегишли белги қўяди.

5.7. Устидан текширув ўтказилаётган ходим томонидан далолатномага (ёки бошқа хужжатларга) имзо қўймаслик унга нисбатан тегишли жавобгарлик чорасини қўллашдан озод қилмайди.

VI. Ишчи гурух раҳбари ва аъзоларининг ҳуқук ва мажбуриятлари

6.1. Ишчи гурух раҳбари Хизмат текшируванинг самарадорлиги ва натижаси, шунингдек ишчи гурух аъзоларининг мазкур Регламент билан белгиланган талабларга амал қилишлари учун маъсул бўлади.

6.2. Хизмат текшируви ўтказиш давомида ишчи гурух раҳбари қуидаги вазифаларни амалга оширади:

- Хизмат текшируви ўтказишнинг йўналишлари, амалга ошириладиган тадбирларни белгилайди, ишчи гурух аъзолари олдига вазифалар қўяди;
- ишчи гурух томонидан Хизмат текшируви ўтказилишини ташкиллаштиради ва мувофиқлаштиради;

- ишчи гурух томонидан Хизмат текширувининг ушбу Регламентга мувофиқ равища үтказилишини назорат қиласи;
- сұхбат үтказиш, тушунтириш талаб қилиб олиш зарур бўлган ходимлар рўйхатини тузади;

- Хизмат текширувани холис ва самарали үтказиш учун зарур бўлган чоралар кўрилишини таъминлайди (масалаи, Банкдаги маълумотларни йўқ қилиш жараёнларини тўхтатиб туришни талаб қиласи, тегишли ходимларга нисбатан текширув үтказилаётган даврда маълум бир ахборот тизимлари, муайян ҳужжатлардан фойдаланишга чеклов қўйишни тавсия қиласи, зарурият туғилганда текширув үтказишнинг максимал муддатларини узайтириш бўйича таклиф тайёрлайди ва бошқалар);

- Комиссия ёки филиал Ишчи гурухи раҳбарига Хизмат текшируви натижаларининг тақдим этилишини таъминлайди.

6.3. Хизмат текширувани үтказища ишчи гурух раҳбари ва аъзолари қўидаги ҳукукларга эга:

- Банк ходимлари билан сұхбат үтказиш, тушунтириш хати олиш, текширув моҳияти тўғрисида маълумотга эга бўлиши мумкин бўлган учинчи шахслар, шунингдек ташки эксперталарни уларнинг розилиги билан Хизмат текшируви жараёнига таклиф қилиш. Учинчи шахслар ва ташки эксперталарни жалб қилиш масаласи Банк, худудий ва таркибий бўлинма раҳбари билан келишилиши шарт;

- сұхбатни ёзма шаклда ёки зарурият туғилганда тушунтириш берадётган шахснинг розилиги билан аудио ва видеога қайд этувчи ускуналар қўллаш билан қайд этишни амалга ошириш;

- Банк ходимларидан Хизмат текширувига алокадор бўлиши мумкин бўлган материалларни олиш;

- Банк мулкининг бус-бутунлигини ўрнатилган тартибда хатлов ва тафтишдан үтказиш;

- үтказилаётган Хизмат текшируви доирасида ўз лавозим мажбуриятларини бажариш учун фото ва видео қайдларни амалга ошириш.

6.4. Ишчи гурух раҳбари ва аъзолари қўидаги мажбуриятларга эга:

- Хизмат текширувани үтказища ушбу Регламент, Банкнинг бошқа ички идоравий ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига амал қилиш;

- Хизмат текшируви моҳияти бўйича мавжуд барча материалларни тўплаш;

- Хизмат текшируви мақсадлари учун ахамиятга эга бўлган маълумотларнинг (ҳужжатлар, электрон маълумотлар ва бошқалар) бутлигини саклаш бўйича чоралар кўриш;

- мазкур Регламент, Банкнинг бошқа ички идоравий ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўзда тутилган холатлардан ташқари Хизмат текшируви үтказиш доирасида олинган маълумотларнинг мутлако конфиденциаллигини таъминлаш ва ошкор қилмаслик;

- мазкур Регламент талабларига мувофиқ равища текширув натижаларини расмийлаштириш, шу жумладан жавобгарлик чоралари, коидабузарлик сабаблари ва қоидабузарликни содир этишга туртки бўлган шартларни бартараф қилиш имконини берадиган чораларни қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши.

VII. Устидан Хизмат текшируви үтказилаётган ходимларнинг ҳукуклари

7.1. Устидан Хизмат текшируви үтказилаётган ходим қўидаги ҳукукларга эга:

- Хизмат текшируви үтказиш факти тўғрисида хабардор бўлиш;

- коидабузарликнинг содир этилиши сабаблари ва шароитлари, Хизмат текширувининг бориши хақида ўз фикр-мулоҳазаларини ифодалаш ҳуқуки билан ёзма ва оғзаки тушунтиришлар бериш, шунингдек, унинг тушунтиришларини тасдиқлаши мумкин бўлган исбот-далилларни тақдим этиш;

- тушунтиришлар тақдим этишдан бош тортиш – бу ҳолда ушбу Регламентнинг 5.5. бандида кўзда тутилган далолатнома тузилади;

- ўзи томонидан тақдим этилган, ўтказилаётган Хизмат текшируви, текширув материалларига алокадор бўлган ҳужжат ва материалларга қўшиб қўйишни талаб қилиш.

- Хизмат текшируви тугаганлиги тўғрисидаги хабарни олиш ва бундай хабар олингандан кейин 2 (икки) кун ичida Хизмат текшируви маълумотномасининг унга тегишили қисми билан у тасдиқланишига қадар танишиш (у фойдаланиш ва ўз мулоҳазаларини қўшиб қўйиш ҳуқукига эга бўлмаган конфиденциал ахборотдан ташқари);

7.2. Хизмат текшируви натижаларидан, шу жумладан ишчи гурух томонидан текширув якунлари бўйича таклиф этилган жавобгарлик чорасидан норози бўлган тақдирда ушбу карор устидан Банк раҳбарига ёки юқори турувчи идораларга шикоят қилиш.

VIII. Хизмат текширувни ўтказишга жалб қилинадиган бошқа ходимларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

8.1. Хизмат текширувни ўтказишга жалб қилинадиган ходимлар Хизмат текширувни ўтказишда ишчи гурухга ҳар томонлама қўмак бериш, шу жумладан Хизмат текшируви бўйича талаб қилинган тушунтиришлар, маълумот ва ҳужжатларни беришлари, ишчи гурух аъзолари томонидан ташкил этиладиган сухбатларда иштирок этишлари шарт.

8.2. Хизмат текширувни ўтказишга жалб қилинаётган ходимлар уларнинг текширувда иштирок этишлари сабабли уларга маълум бўлган Хизмат текшируви маълумотларини ошкор қилишга хақли эмаслар.

8.3. Хизмат текширувни ўтказишга жалб қилинаётган ходимлар қўйидаги ҳукуқларга эга:

- ўзлари ва яқин кариндошларга карши гувоҳлик бермаслик;

- Банк ёки филиал раҳбарига ишчи гурух раҳбари ва аъзоларининг харакатлари (харакатсизлиги) устидан шикоят қилиш.

IX. Хизмат текшируви натижаларини расмийлаштириш

9.1. Хизмат текшируви натижалари бўйича ишчи гурух раҳбари, унинг барча аъзолари, Хизмат текшируви ўтказилаётган ходим томонидан имзоланадиган маълумотнома тузилади.

9.2. Маълумотнома мазкур Регламентга 2-иловага мувофик шаклда тузилиб, кириш, баён, хулоса ва таклиф қисмидан иборат бўлади.

9.3. Маълумотнома ёки унинг алоҳида бандларидан норози бўлган ишчи гурух аъзоси, шунингдек устидан Хизмат текшируви ўтказилаётган шахс ёзма равишда расмийлаштирилган ва ишга тиркаланган ҳолда алоҳида фикрда эканлигини билдирган белги билан маълумотномага имзо қўйиши мумкин.

9.4. Устидан Хизмат текшируви ўтказилаётган шахс маълумотномага имзо қўйишдан бош тортган ҳолларда далолотнома расмийлаштирилади. Ушбу далолотномага ишчи гурух аъзоларидан ташқари, Хизмат текшируви натижаларидан манфаатдор бўлмаган камида икки нафар шахс имзо қўйиши лозим.

9.5. Хизмат текшируви натижалари тўғрисидаги маълумотнома Ваколатли орган (Бош мутахассис)га тақдим этилади. Ваколатли орган (Бош мутахассис) маълумотномани қарор қабул қилиш учун Банк Комиссияси раиси (филиал Ишчи гурухи раҳбари)га киритади.

9.6. Маълумотномага асосан, Банк Комиссияси раиси (филиал Ишчи гурухи раҳбари) куйидаги қарорларни қабул қилиши мумкин:

- коидабузарлик тўғрисидаги маълумот тасдиқламаганлиги муносабати билан Хизмат текширувини тұхтатиши;

- сабаблар ва муддатлари кўрсатилган ҳолда Хизмат текшируви материалларини қўшимча ишлаш учун, зарурият туғилганда эса – ишчи гурух таркибини ўзгартириш учун қайтариш;

- айбдор ходимни интизомий жавобгарликка тортиш;

- ходимга нисбатан огоҳлантириш, профилактик ҳарактердаги чораларни қўллаш;

- келгусида шу каби коидабузарликлар содир бўлишининг олдини олиш бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

- хуқукбузарлик ёки жиноят аломатлари тасдиқланган ҳолда, тегишли материалларни хуқуқни муҳофаза қилиш органларига тақдим этиши.

9.7. Хизмат текшируви ўтказилишига сабаб бўлган маълумот ҳакида хабар берган шахслар коидабузарлик тасдиқлангани ёки тасдиқланмагани, шунингдек кўрилган чоралар ҳакида умумий тарзда хабардор қилинади.

X. Хизмат текширувига оид ҳужжатларни сақлаш ва улардан фойдаланиш

10.1. Хизмат текшируvida иштирок этаётган Банк ходимлари текширув давомида уларга маълум бўлган ахборотнинг конфиденциаллигини таъминлайдилар (Ўзбекистон Республикаси конунчилигига кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно).

10.2. Ўтказилган Хизмат текшируви доирасидаги маълумотлардан ваколатли фойдаланиш хуқуқига факат Банк раҳбари, Комиссия раиси, филиал Ишчи гурухи раҳбари, Ваколатли орган ходимлари, Хизмат текшируvини амалга оширган ишчи гурух аъзолари (мазкур ишчи гурух аъзоси иштирок этган текширувлар бўйича) эга.

10.3. Ўз лавозим вазифаларини бажариш учун ўтказилган Хизмат текширувлари ҳакидаги ахборотдан фойдаланиши зарур бўлган ходимлар, ушбу ахборотдан фойдаланиши учун Банк, филиал раҳбарининг ёзма розилигини олиши лозим.

10.4. Хизмат текширувига оид материаллар ишчи гурух раҳбари томонидан алоҳида йиғмажилдга ракамланган ва тикилган ҳолда Ваколатли органга топширилади.

10.5. Банкнинг Ваколатли органи (филиал Бош мутахассиси) мазкур Регламентга З-иловага мувоғик шаклда Хизмат текширувлари электрон реестрини юритилишини таъминлайди. Бош мутахассис филиалда ўтказилган Хизмат текширувлари электрон реестрини ҳар чоракда Ваколатли органга тақдим этиши шарт.

10.6. Хизмат текширувига оид барча ҳужжатлар, агар бошқача тартиб Ўзбекистон Республикаси конунчилигига кўзда тутилмаган бўлса, тасдиқланган вақтдан бошлаб 10 (үн) йил давомида сақланиши лозим.

XI. Якуний қоидалар

11. “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти ходимларининг коррупциявий хатти-харакатларива одоб-аҳлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича Регламент Банк Бошқаруви томонидан тасдиқланган кундан бошлаб кучга киради.

“Ўзбекистон Республикаси ташқи иктисадий фаолият
миллий банки” АЖ таркибий бўлинмалари
ходимларининг коррупциявий хатти-харакатлари
ва одоб-аҳлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан
хизмат текширувлари ўтказиш бўйича Регламентга
1-илова

ДАЛОЛАТНОМА

«___» _____ 20__ й.

Биз, куйида имзо қўювчилар

(ФИШ, лавозими)

(ФИШ, лавозими)

(ФИШ, лавозими)

Ходим (ФИШ, лавозими) га 20__ йилнинг «___» _____ да

дан иборат бўлган қоидабузарлик содир этилганлиги тўғрисида ёзма тушунтириш бериш таклиф этилган бўлиб, у ёзма тушунтириш беришни рад этгани тўғрисида ушбу далолатномани туздик.

Ёзма тушунтириш беришни рад этганлиги сабабларини ходим (ФИШ, лавозими) қуидагилар билан изохлади _____

(тушунтириш беришни рад этганлик сабаблари эркин шаклда баён этилсин).

Далолотнома тузган шахслар имзоси:

(имзо) (ФИШ)

(имзо) (ФИШ)

(имзо) (ФИШ)

Далолотнома билан танишдим*: (ФИШ, лавозим, сана, имзо) _____

* Далолотномага имзо қўйишдан бош тортса, ишчи гурух раҳбари имзолашдан “бош тортди” ёзувини киритиб, ўзи имзо қўяди.

“Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий
банки” АЖ таркибий бўлинмалари ходимларининг
коррупциявий хатти-харакатлари
ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш холатлари устидан
хизмат текширувлари ўтказиш бўйича Регламентга
2-илова

Хизмат текшируви натижалари тўғрисида маълумотнома
—сон

1. Асос: Банк раҳбарининг бўйруғи (сана ва рақами)

2. Ишчи гурух таркиби:

Ишчи гурух раҳбари _____

(лавозими, фамилияси, инициаллари)

Ишчи гурух аъзолари _____

(лавозими, фамилияси, инициаллари)

3. Хизмат текширувани ўтказилган муддати:

4. Текширув ўтказиши учун асослар (келиб тушган хабарнинг қисқача мазмуни): _____

5. Баён қисми (хизмат текшируvida аниқланган фактлар):

коидабузарлик содир бўлганми ва у нималарда ифодаланган;

коидабузарлик содир этилган жойи, вакти, усули ва коидабузарликни содир этишнинг бошқа шароитлари;

Хизмат текшируви ўтказилаётган ходим(лар)нинг маълумотлари (ФИШ, лавозими, (тузилмавий бўлинма номи (бошкарма, бўлим номини кўрсатган ҳолда), меҳнат шартномаси тузилган сана, ушбу ходимга нисбатан Хизмат текшируви аввал ҳам ўтказилганми);

коидабузарликни содир этишга алокадор бўлган шахслар доираси;

коидабузарликни содир этиш мақсадлари ва сабаблари;

коидабузарликни содир этишга туртки бўлган сабаб ва шартлар;

конкрет ходимнинг айбдорлигини тасдиқловчи ёки унинг айбсизлигига гувоҳлик берувчи тўпланган маълумотлар таҳлили;

Хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг ўз химояси учун келтирган далиллари, уларни текшириш натижалари.

6. Хулоса ва таклифлар:

а) хулоса қисмида:

Хизмат текшируви ўтказилган шахс(лар)нинг харакат(лар)ида (харакатсизлигида) коидабузарлик мавжуд ёки йўклиги тўғрисида хулоса;

коидабузарлик бўлса, талаблари бузилган Ўзбекистон Республикаси конунчилиги ёки Банк нинг ички хужжатлари номи, санаси ва бузилган қоид мазмуни;

коидабузарлик содир этиш натижасида етказилган зарар характеристи ва кўлами (мавжуд бўлса);

б) таклиф қисмида

айбдор шахс (лар)ни жавобгарликка тортиш бўйича таклифлар;

коидабузарлик содир этишга олиб келадиган сабаб ва шартларни бартараф килишга қаратилган тавсиялар;

Хизмат текшируви материалларини хукуқни муҳофаза қилиш органларига тақдим этиш зарурияти.

Ишчи гурух аъзолари имзолари:

Маълумотнома билан танишдим*:

_____ (ФИШ, лавозими)

_____ (имзо)

_____ (сана)

* Маълумотномага имзо қўйишдан бош тортса, ишчи гурух раҳбари “имзолашдан бош тортди” ёзувини киритиб, ўзи имзо қўяди.

“Ўзбекистон Республикаси ташки иктисадий фаолият миллий банки” АЖ таркибий бўлинмалари ходимларининг коррупциявий хатти-харакатлари ва одоб-ахжок коидаларини бузиш холатлари устидан хизмат текширувчилари ўтказиши бўйича Регламентга 3-йолова

Хизмат текширувчилари электрон реестри

T/p												
Хизмат текшируви ўтказиши тўғрисидаги буйруқ рақами ва санаси												
Утказилган хизмат текшируви натижалари тўғрисидаги маълумотнома рақами ва санаси												
Хизмат текшируви ўтказиши даври												
Ишчи гурух таркиби												
Коидабузарлик тўғрисидаги ахборот келиб тушган манба												
Хизмат текшируви ўтказиши йўналишларининг қисқача таърифи												
Текширув натижаларининг қисқача таърифи												
Аниқланган айбдор шахслар рўйхати												
Текширув натижалари бўйича тасдиқланган чоралар												
Муддатлар ва ижро учун маъсул												
Амалда бажарилганик тўғрисидаги ахборот												
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
1												
2												
3												
4												
5												
...												